

Банк операциялари методологияси
бошқармаси томонидан
2016 йил 29 январда 87В-сон билан
РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

“Трастбанк” хусусий акциядорлик
банки кенгашининг
2016 йил 28 январдаги 2-сонли қарорига
ИЛОВА

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкнинг
2016 йилга дивиденд
СИЁСАТИ**

Муқаддима

- 1-§. Умумий қоидалар
- 2-§. Дивиденд сиёсатининг моҳияти
- 3-§. Дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш
- 4-§. Дивидендни тўлаш тартиби
- 5-§. Дивиденд тўланиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш
- 6-§. Дивиденд тўлашдаги чекловлар
- 7-§. Дивидендни солиққа тортиш
- 8-§. Яқуний қоида.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” қонунлари, Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида низом (*Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 июлда 943-сон билан рўйхатга олинган*) асосида ишлаб чиқилди ва у “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки (кейинги ўринларда – Банк) молиявий барқарорлиги ва акциядорлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

1-§. Умумий қоидалар

1. Дивиденд Банк фойдасининг, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан ҳамда банк капиталини оширишга ажратмалар амалга оширилгандан сўнг, акциядорлар ўртасида тақсимлаш учун қоладиган қисми ҳисобланади.

Банк акциянинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендни тўлаши шарт.

2. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

2-§. Дивиденд сиёсатининг моҳияти

3. Банкнинг дивиденд сиёсати – тўланадиган дивиденд миқдорини аниқлашда Банк ва унинг акциядорлари манфаатлари уйғунлигига эришиш, Банкнинг инвестицион жозибадорлиги, молиявий барқарорлиги, капиталлашуви ва ликвидлигини ошириш, киритилган капиталнинг даромадлилигини таъминлашга, шунингдек акциядорлар ҳуқуқларини таъминлаш ва улар ҳаётининг фаровонлигини оширишга йўналтирилган сиёсат.

Банкнинг дивиденд сиёсати Банкнинг бозор қийматини максимал ошириш мақсадида Банк фойдасининг ишлатиладиган ва капиталлаштириладиган қисмлари мутаносиблигини оптималлаштиришга қаратилган фойдани бошқаришга оид умумий сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланади.

3-§. Дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш

4. Акциянинг ҳар бир тури бўйича дивиденд тўлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисида қарор Банк кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Дивиденд миқдори Банк кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

5. Банк акциядорлари умумий йиғилиши дивиденд юзасидан қуйидагича қарор қабул қилиши ҳам мумкин:

а) Банк устав капиталини кўпайтириш мақсадида ўтган йиллар тақсимланмаган фойдасини капитализация қилиш йўли билан қўшимча акциялар чиқариш ва уларни акциядорлар орасида уларнинг устав капиталидаги улушига мутаносиб равишда тақсимлаш ҳақида;

б) Банкнинг молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида дивидендни устав капиталини тўлдиришга йўналтириш (фойдани капитализация қилиш) ҳақида;

в) агар дивиденд тўланадиган пайтда Банкда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки шундай белгилар дивиденд тўлаш натижасида пайдо бўлса, акцияларнинг муайян турлари бўйича дивиденд тўламаслик тўғрисида, шунингдек Банк уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивиденд тўлаш ҳақида.

6. Банк имтиёзли акциялари бўйича дивиденд тўлаш Банк уставига мувофиқ амалга оширилади.

4-§. Дивидендни тўлаш тартиби

7. Дивиденд Банк акциядорларига қуйидагилар асосида тўланади:

а) якунланган молия йили натижаси бўйича Банк соф фойда олган бўлса;

б) Банк кенгашининг дивиденд миқдори ва уни тўлаш тартибига оид тавсияси ифодаланган қарори мавжуд бўлса;

в) Банк акциядорлари умумий йиғилишининг молия йили якунига кўра дивиденд тўлаш тўғрисида қарори мавжуд бўлса.

8. Дивиденд тўлашга йўналтириладиган маблағ миқдори қуйидаги ажратмалардан кейин қолган тақсимланмаган фойдадан келиб чиқиб аниқланади:

а) “Тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасини шакллантириш тартиби тўғрисида низом” (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарори билан тасдиқлаган*) асосида имтиёзли кредитлаш фондида;

б) “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида низом” (*Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлда 2693-сон билан рўйхатга олинган*) асосида капитал захираларга.

9. Дивиденд Банк томонидан қуйидаги шаклларда тўланади:

а) Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида;

б) Банк акцияларида (фойда капитализация қилинган ҳолатда).

10. Дивиденд акциядор-жисмоний шахсга уни акциядорнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига ўтказиш орқали тўлаб берилади. Акциядор дивидендини олиш учун учинчи шахс номига нотариус томонидан тасдиқланган ишончнома беришга ҳақли.

11. Дивиденд акциядор-юримдик шахсга уни акциядорнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига ўтказиш йўли билан тўланади.

12. Акциядор ҳақида тўлиқ маълумот бўлмаган тақдирда унга ҳисобланган дивиденд Банкнинг 29822 “Тўланиши лозим бўлган дивидендлар” ҳисобварағига ўтказилади.

13. Акциядор ўзининг яшаш манзили, банк реквизити ва ҳисобварағи ўзгарганлигини маълум қилмаганлиги туфайли унга дивиденд ўз вақтида тўланмаганлиги учун Банк жавобгар бўлмайди.

Тўланмаган (олинмаган) дивидендга фоиз ҳисобланмайди.

Дивиденд Банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатда Банкнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда, тўланмаган (олинмаган) дивиденд бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивиденд бўйича ҳисобланадиган пеня миқдори тўланмаган (олинмаган) дивиденднинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

14. Дивидендни тўлаш муддати Банк акциядорлари умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивиденд уни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кун ичида тўланади.

15. Биринчи навбатда имтиёзли акцияларга, сўнг оддий акцияларга дивиденд тўланади.

Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда Банк мазкур акцияларнинг эгаларига дивиденд

тўлашни рад этишга ҳақли эмас.

Банк фойдаси етарли бўлмаган ҳолда имтиёзли акциялар бўйича дивидендни тўлик бўлмаган миқдорда тўлаши мумкин.

16. Акциядорларга дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган Банк акциядорлари умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган (Банк акциядорлари умумий йиғилиши ўтказилишидан уч иш куни олдин шакллантирилган) Банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар акцияларига дивиденд тўланади.

17. Банк акциядорларига молия йили якуни бўйича дивиденд тўлаш якунланган йил молиявий ҳисоботининг тўғрилиги ҳақида ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

5-§. Дивиденд тўланиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш

18. Банк дивиденднинг миқдорини ундан ундириладиган солиқни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Банк тўладиган дивиденд миқдори тўғрисида маълумотни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ва Банкнинг расмий веб-сайтларида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда эълон қилади.

6-§. Дивиденд тўлашдаги чекловлар

19. Банк қуйидаги ҳолларда дивиденд тўламайди:

а) дивиденд тўлаш пайтида Банк иқтисодий ночорлик (банкротлик) аломатларига эга бўлса ёки кўрсатилган аломатлар Банкда дивиденд тўлаш натижасида пайдо бўлса;

б) Банк соф активларининг қиймати унинг устав капитали (30300-ҳисобварақ) ва захира капитали (30900-ҳисобварақ) маблағлари йиғиндисидан кам бўлса;

в) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган иқтисодий нормативларни бузиш, шунингдек агар дивиденд тўлаш натижасида иқтисодий нормативлар бузилиб, бунинг оқибатида омонатчи ва кредиторлар манфаатига жиддий хавф туғилиши мумкин бўлса;

г) Банкка нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг дивидендлар тўлашни тўхтатиш тўғрисида талаби мавжуд бўлса.

20. Ушбу Сиёсатнинг 19-бандида кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилгач, Банк ҳисобланган дивидендни акциядорларга тўлаб беради.

7-§. Дивидендни солиққа тортиш

21. Банк акциядорларига тўланган дивиденд Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ солиққа тортилади.

8-§. Якуний қоида

22. Мазкур Сиёсат ижросини назорат қилиш Бош банкнинг Қимматли қоғозлар

бошқармасига юклатилади.

Бошқарув раиси

Ш.Хаджидаев

Бошқарув аъзолари билан келишилди:

Банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

Ф.Самарходжаев

Бошқарув раиси ўринбосари

Н.Давиденко

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори

М.Маисова

Стратегик ривожланиш департаменти директори

С.Урманова

Иқтисодий таҳлил ва статистика департаменти директори

М.Мухаммедярова

Юридик хизмат департаменти директори

Ф.Каримова

Экспертиза гуруҳи раҳбари, Банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Ф.Самарходжаев
Экспертиза гуруҳи раҳбари ўринбосари, Банк операциялари методологияси бошқармаси бошлиғи	С.Муродов
<i>Экспертиза гуруҳи аъзолари:</i> Юридик хизмат департаменти директори	Ф.Каримова
Банк хатарларини бошқариш департаменти директори	С.Файзуллаев
Кредитлаш ва инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти директори	К.Габбазов
Пул муомаласи ва касса амалиётлари департаменти директори	А.Зукуров
Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари департаменти директори	Л.Солдатова
Чакана бизнес департаменти директори	А.Расулов
Кредит портфели мониторинги департаменти директори	М.Каримова
Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори ўринбосари	Н.Мирзарахметова
Ғазначилик департаменти директори	Ж.Усмоналиев
Ахборот технологиялар департаменти директори	К.Домашиков
Омонат операциялари мониторинги бошқармаси бошлиғи	О.Шамсутдинова
Пластик карталар бошқармаси бошлиғи	Н.Мирзамухамедов
Ички назорат департаменти директори	Б.Қамбаров
Валюта айирбошлаш операциялари махсус бошқармаси бошлиғи	А.Қаҳҳоров
Хавфсизлик департаменти директори	Т.Джумабаев
Иқтисодий таҳлил ва статистика департаменти директори ўринбосари	З.Кашапов
Қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи	А.Зияев